

“ЖАХОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ” ЁХУД БИЗ ЁШЛАР ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ.....!

Тўлқинбоев. М.

Андижон Машинасозлик институти “Гуманитар
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси М. Тўланов
3-курс ТВМ йўналиши талабаси

Бугунги кунда мамлакатимизда мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович томонидан барча соҳаларда жуда катта туб ўзгаришлар ислохотлар олиб борилмоқда. Хусасан Муқаддас Ислом динимиз ҳам истиқлол йилларида юксалиб борди. Мусулмонларни ибодатларини тўла тўқис адо этишлик учун масжид ва мадрасалар ёшларни илм олиши учун эса ислом университетлари барпо этилиб динимиз кундан-кун равнақ топиб юксалиб бормоқда. Мана шундай тинч ва фаровон юртда ёшлар экнаиз яратганга хамиша шукроналар айтамыз.

Афсуски гуруч курмаксиз бўлмагани каби тинчлигимизни кўра олмайдиган ғаламис кимсалар сафи кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда динимй экстремизм ва терроризм миллат кушандасига айланиб бормоқда. Диний экстремизм вакиллари мқаддас Ислом динимизни ниқоб қилиб ўзларининг террористик ва жангара ҳаракатлари билан кўплаб давлатларда бузғунчилик вайронакорлик ҳаракатлари билан бегунох беайб инсонларга озор бериб мусулмон, мусулмон қонини тўкмоқда. Ваҳоланки мусулмон инсон қандай инсон. Мусулмон инсон шундай инсонки кўли билан ҳам тили билан ҳам бировга зиён заҳмат етказмайдиган инсон мусулмон инсондир. Шу ўринда бир савол туғилади, диний экстремизм вакиллари ким ўзи уларнинг мақсади нима улар ҳам биз каби оддий инсон уларнинг пешонасига бу диний экстремизм вакили эҳтиёт бўл деб ёзиб қўйилмаган. Улар қилаётган ишларни кўриб инсон дейишга ҳайрон қоласан киши. Бир инсон айтган экан қайсики давлатни кўлга олишни истасанг ўша давлатнинг ёшларини онг-у шурурини заҳарла ўша давлат сеники. Статистик маълумотларга юзланиб айтадиган бўлсак Ўзбекистон аҳолисининг 65 % ни 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Диний экстремизм вакиллари ҳам ёшлар ни орасига кириб уларни моддий рағбатлантириб ёшлар маънавиятига мафкуравий хужум қилмоқда. Улар шундайин ваҳшийликга кўл уришяпдики ўз мақсади йулида 9 ёшли қизини қурбон қилишдан таб



тортмаябти. Тасаввур қилинг ўз мақсади йулида қизини қурбон қилган ота сиз билан бизни не куйларга солиши мумкин. Уланинг суҳбатига илк бора қўшилганингизда сизга оқ нарсани кўрсатиб бу нима деб савол беришади сиз оқ деб жавоб берасиз. Бир неча суҳбатлардан сўнг ўша оқ нарсани қоралашга ўтади. Орадан бир ойча вақт ўтиб сизга яна оқ нарсани кўрсатиб бу нима деб савол беришади сиз эса қора деб жавоб берасиз.

Улар суҳбатининг бошида ислом динини кўкларга кўтариб кейин эса қоралайди. Секин-секин сизни терористик жангара ҳаракатларга ундайди ўлсанг ҳам бу ёруғ оламдан Шахидлик мақомига эга бўлиб кетасан дея қўлига қурол яроқ ўқ отар портловчи моддаларни тутқазади. Улар ўз фаолиятларини ижтимоий тармоқларда ҳам турли хил тарқатмалар тарқатиб ёшларни турли алдов ёки моддий томонлама қизиқтириб ўз фаолиятига ўз сафига қўшиб бормоқда. Афсуски бази маънавияти паст ёшлар бу каби тарқатмаларни тушуниб тушунмасдан тарқатишда фаол иштирок этиб бормоқда. Халқимизда бир мақол бор касални даволагандан уни олдини олган яхши. Хар бир салбий жараён лоқайдлик бепарволик натижасида келиб чиқади. Дўстингдан кўркма нари барса сиригни сотади. Душманингдан кўркма нари борса жонинга қасд қилади. Лоқайд инсондан кўрк чунки у қайерда нима қилишини ҳеч ким билмайди. Биз ёшлар ҳеч қачон лоқайд бепарво бўлмаймиз. Бугунги кунда ёшларни турли хил йод ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш ёшларни бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи томонидан кўплаб лойиҳалар кўрик танловлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ёшларни ягона эзгу мақсад йўлида бирлаштириб ёшларнинг ишончи ва таянчига айлана олди. Эндиликда биз ёшлар бирлашиб бу каби салбий иллатларга қарши курашамиз. Муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг тамошабини эмас ислохотларни олиб боровчи етакчи куч бўлиб ватан тараққётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Биз ёшларга жамиятда ўз ўрнимизни топишлиқда барча соҳаларда кенг, катта имкониятлар яратилган. Бу каби имкониятлардан тўла фойдаланиб юрт равнақига ҳисса қўшадиган йетик кадрлар бўламиз. Худди биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек маррани баланд олиб илм чўққиларини забт этамиз. Диний экстремизм ёд ғоялар таъсирига тушиб қолишдан нафақат ўзимизни атрофдаги тенгдошларимизни ҳам авайлаб асраймиз. Биз ёшлар бу каби салбий иллатларга Жаҳолатга қарши маърифат йўлида бирлашиб келажаги буйук юртнинг эртасига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Зеро Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида.

